Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 6 Август Чоршанба.
№ 61 (14453)

*Ўзбекистон - Ватаним маним*

Тўлапберган Қайипберганов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Мустақиллик - инсонни қадрлашдир

Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигини қўлга киритганига олти йил тўляпти. Бу - тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо ана шу қисқа фурсатда мамлакатимизда амалга оширилган ишларнинг кўлами бир неча ўн йилларга татигуликдир. Агар кўп йиллар мустамлака ҳолатида яшаганимизни инобатга олсак, истиқлол нашидаси биз учун янада қадрлироқ туюлади ва ундан кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Давлат мустақил бўлди. Аммо шўро ҳукумати етмиш йил мобайнида одамлар онгига михлаб ташлаган мафкуравий сарқитлардан халос бўлиш осон кечаётгани йўқ. Чунки биз ўзимизни, ўзлигимизни деярли унутган эдик. Қаёққа кетаётганимизни билмасдик. Дунёдаги мустақил давлатлар бизга «ёт унсур»дек кўринарди. «Нега улар коммунизм қуришни исташмайди?» деб таажжубланардик. Шукрки, энди қиёфасиз оломон сафида эмас, балки мустақил мамлакатнинг тўлақонли, онгли фуқароси сифатида жаҳонга назар солаётирмиз. Жаҳон ҳам бизга мустақил мамлакатнинг фуқаролари сифатида қарамоқда. Ўз юртимизда ўз қадримизни топяпмиз.

Инсон қадри тўғрисида ўйласам, «коммунизм даври»да рўй берган бир воқеа эсимга тушади. «Озодлик» радиосида Эдуард Кузнецов деган «диссидент» ёзувчи ишларди. У 80-йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқ ҳудудидан бадарға этилган эди.

«Мегаполис-Экспресс» газетасининг 1990 йил 2 август сонида ана шу ёзувчи билан Феликс Медведев деган мухбирнинг суҳбати эълон қилинди. Суҳбат, умуман, кенг қамровли мавзуга бағишланган бўлиб, «диссидент» ёзувчи гап орасида СССРдаги айрим миллатларга менсимай қарашини билдириб қўйган эди. «Пахта иши», «ўзбеклар иши» муносабати билан уюштирилган бўҳтонлар ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиқмаган бўлса керак. Марказда ўзбекларга қарши хуруж бошланган даврда Марказий Осиёнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов: «Европа уйғониши учун Византия қанчалик муҳим роль ўйнаган бўлса, Осиёнинг уйғониши учун ўзбеклар ҳам шунчалик муҳим роль ўйнаган!» деб ёзган эди...

Мустақиллик бизга инсон қадрини қайтариб берди. Президентимиз Ислом Каримов 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб бежиз эълон қилгани йўқ ва бундан беҳад қувондик.

Туркистон халқлари кўп йиллар давомида Россия империясининг ҳуқуқсиз қулларига айлантирилди. Давлатчилигимизнинг миллий анъаналари яксон этилди. Ижтимоий тафаккур ривожланишдан тўхтади: бизга тап-тайёр кўрсатмаларни тиқиштирдилар. Албатта, бу кўрсатмалар сўзсиз бажарилди. Ҳамма нарса «Марказда» ҳал этиларди. Шундай бўлгач, бош қотириб нима қилардик! Боз устига, ўйлайдиган бош «Марказга» ёқмасди...

Ҳозир том маънода янги давлат қуриляпти. Айни пайтда дунёқарашимиз ўзгаряпти, мустақиллик нечоғли азиз эканини тобора теранроқ англаб етяпмиз.

Ҳозирги ўтиш даврида турли-туман қийинчиликларга дуч келаётганимиз ҳам ҳеч кимга сир эмас. Лекин шуниси қувонарлики, мустақилликнинг асил самарасини кўряпмиз ва кўражакмиз! Мана шу ишончнинг ўзи бизга битмас-туганмас куч-қувват бераётир. Ахир, баҳодир ота-боболаримиз айнан мустақиллик учун азиз жонларини фидо этмаганлармиди? Биз уларнинг муқаддас руҳи поклари олдида қарздор эмасмизми?.. Улуғ мақсад йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг ҳаққи-ҳурмати учун, келгуси авлодларимиз мағрур, тўкин-фаровон яшашлари учун биз мустақиллигимизни авайлаб-асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мустақиллик инсоннинг асил қадр-қимматини тиклайди. Ҳар бир инсон ўзининг имкониятларини тўла рўёбга чиқара оладиган қутлуғ даврда яшамоқдамиз. Имкониятлар мамлакати - мустақил Ўзбекистонга кўз тегмасин! У дунё тургунча турсин!

**ЎзА**

---

Ватан - она меҳри каби муқаддас. Ватан - қалбнинг мангу тириклиги. Ватанни севиш она замин саховатини англаш умрга мазмун бағишлайди. Ватан - бу шунчаки сўз эмас. Унинг туб моҳиятини англамоқ лозим. Шундагина ватансиз кимсаларнинг оҳу-фарёдларини тушуниб етасиз.

Ватанни севмоқ маънавий камолат босқичи. Инсон Оллоҳнинг неъмати, мўъжизавий хилқат сифатида ўзини қанчалик чуқур англаб борар экан, ватан ҳақидаги фикр ўйлари кенгая боради. унга нисбатан муносабат кескин ўзгаради. Фақат, комил инсон учунгина ватан саждагоҳ каби

## ЮРТИМГА АТАЛГАН СЎЗ

Ватансиз одам саҳродаги адашган ғариб, сувсизлик, очликдан дармони қуриган ёлғиз кимса. Ўз ватанини севмоқлик иймонга хос, қолаверса ҳар бир муқаддас. Маънавий етук инсонгина ватаннинг ҳақиқий озодлиги, эрки учун жон фидо қила олиши мумкин. Зеро ватан мустақиллиги, унинг тен-

*Дилдаги муқаддас туйғулар*

глари ичида тенг озод бўлиши ҳақиқий орзу эди. Шоир айтганидек:

***Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,***
***Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.***

Барчага таниш ушбу байтлар ватан соғинчини кўнглидан кечирган, унинг озодлигини армон қилган эркка ташна дилларнинг кўнгил нидоси. Ўзликни, ватанни англаш ҳисси бор бу сатрларда. "Ўзликни англаш исёндир", - дейди Камю.

Ватан ягона ! Унинг ҳар бир қарич ери муқаддас, она замин саховатли, у буюк яратувчи куч.

инсоннинг муқаддас бурчи. Ҳақиқий саодат ҳам киндик қонинг тўкилган сарҳадсиз ватаннинг буюк неъмат эканлигини ҳис этиб яшамоқ.

Ватандан айро яшамоқ оғир, зеро мол-дунё қанчалик бисёр бўлмасин, ватан туйғуси - муқаддас руҳ безовта қилаверади. Бу руҳий маънавий бўшлиқнинг дарди давосиз, изтироби изсиз, фарёди овозсиз тоғу-тошларга мунг каби сингиб кетади. Бу мунг туйғулар кураши жараёнида қалб сарчашмасидан қайнаб чиқиб шеърга айланади, оҳангга айланади:

***Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,***
***Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.***

**Собир ДЎСТОВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ходими**

---

*Иқтидорлилар - олтин хазина*

## ЭЗГУЛИККА ТИЛАКДОШМИЗ

Республика Киночилар уйида Президентимизнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси грантлари совриндорларини тақдирлаш тантанаси бўлиб ўтди. Тантанани Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси "Умид" жамғармаси раҳбари Рустам Азимов олиб борди.

Маълумки, мустақиллик туфайли йигит-қизларимизнинг хорижда билим олишларига кенг имконият яратилди. Бундан асосий мақсад эса мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қодир истеъдодли ёш авлоддан халқ хўжалигининг устивор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлашдир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Умид" жамғармаси грантлари совриндорларига йўллаган табрик хатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов ўқиб эшиттирди.

Жаҳоннинг энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиш бахтига сазовор бўлган йигит-қизларни илк қалдирғочларга қиёслаш мумкин. Ахир 2000 дан зиёд даъвогарлар орасидан энг иқтидорли, зукко 160 нафар ёш танлаб олинди-да!

Биринчи бўлиш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Унинг шарафи, масъулияти ўзгача.

Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг президенти Тўхтамурод Жўраев, АҚШнинг юртимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Стенли Эскудеро, Республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва бошқалар ана шулар ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Сўнгра совриндорларга "Умид" жамғармасининг сертификат - гувоҳномалари ҳамда юртбошимизнинг эсдалик совғаларини Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова топширди.

Шунингдек, тантанада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, республика Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда хорижий мамлакатлар элчихоналарининг Ўзбекистондаги вакиллари иштирок этишди.

Тадбир ниҳоясида хорижда билим олиш бахтига муяссар бўлган ёшлар билан суҳбатлашдик.

Нилуфар РАШИДОВА:

- ***Сўнгги беш ой ҳаётимдаги энг оғир синовга ўхшади гўё. Энди эса тинимсиз изланишлар самарасини кўриб турибман. Ўзим Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг инглиз тили факультетида таҳсил оламан, "Умид" танловларидан ўтиб, Англияга ўқишга кетяпман.***

Дилдора АЗИМОВА:

- ***Ҳаяжонланганимдан нима дейишни ҳам билмайман. АҚШ университетига халқаро журналистика ихтисослиги бўйича ўқишга кетяпман...***

Ҳайдарали ЮНУСОВ:

***Тошкентдаги Халқаро иқтисод ва дипломатия университетини битирдим. Лекин ҳозирги билимим билан чекланиб қолишни истамайман. Франциянинг Сорбонна университети қошидаги Париж сиёсий тадқиқотлар институтида ўз билимимни яна мустаҳкамлаб, она юртимга қайтмоқчиман.***

Парвозга шайланаётган "Умид"нинг илк қалдирғочларига омад ва муваффақият тилаб қоламиз ! Зеро, Президентимиз жамғарма совриндорларига юборган табрикларида айтиб ўтганларидек, биз ҳам уларга истиқлол ва истиқбол йўлида сафарбар этиш учун қўйган дастлабки қадамларингиз зафарли, ҳаётингиз сермазмун бўлсин деб қоламиз.

**Назокат УСМОНОВА,
«ТУРКИСТОН» мухбири**

---

*Мустақиллик обидалари*



*Суратда: Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биноси.*

## ҲАҚҚОНИЙ УСУЛ

Истиқлол биз ёшлар учун айниқса қутлуғ пой қадамли бўлди. Чунончи ҳукуматимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшларининг "Камолот", иқтидорли ёшларнинг хорижда билим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" каби жамғармаларнинг таъсис этилиши ҳақидаги қарори фикримга оддийгина мисол бўла олади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг "1997-98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул тўғрисида"ги қарори биз ёшларга қаратилган эътиборнинг намунасидир.

Ўзим Сурхондарё вилоятидан келганман. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирмоқчиман.

Менимча тест усули энг ҳаққоний синов усули. Чунки унда абитуриентнинг билими имкон қадар кенгроқ намоён бўлади. Ҳа-я, яна бир жиҳати борки, тест таниш-билишчиликларга чек қўяди. Ҳақиқий билимга эга бўлган йигит-қизлар умидсизлик билан қайтмайдилар.

**Одилжон ИБРОҲИМОВ,
бўлғуси талаба**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Самарқанд вилоят ҳокимлиги мактаб ўқувчиларининг ёзги ва қишки формаларини тайёрлаш бўйича Самарқанд шаҳар мутасадди корхоналари ва моделлар уйи ўртасида "Энг яхши мактаб формаси" кўрик-танлови ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

---

*Шу сонга хабарлар*

## БИР ОҚШОМ

"Камолот" жамғармаси туман бўлими ходимлари тумандаги болалар оромгоҳларига йўл олар эканлар, ўз олдиларига бир қатор хайрли мақсадларни вазифа қилиб қўйдилар

Меҳмонлар "Гулхан" болалар оромгоҳларига етиб келганларида болалар тушки уйқудан сўнг "Қувноқ стартлар" мусобақасига ҳозирлик кўраётган эдилар. Тез орада спорт йўриқчиси Ф.Раҳмонов раҳбарлигида "Ниҳол" ва "Дўстлик" гуруҳлари ўртасида қизғин мусобақалар бошланиб, болаларнинг шодон қий-чуви авжига минди. Мусобақа сўнгида оромгоҳ бошлиғи Ҳ.Қодиров мусобақада "Ниҳол" гуруҳи ғолиб бўлганлигини айтди ҳамда оромгоҳга "Камолот" жамғармаси туман бўлими раиси Г.Абдуллаев, мутахассис Г.Абдукаримов, шоир Ҳамид Жалил ва "Табассум" радио эшиттириши адабий муҳаррири, истеъдодли хонанда Бахтиёр Раҳмоновлар ташриф буюрганларини маълум қилди. Сўнгра меҳмонларнинг таклифи билан ўғил болалар ўртасида турникда юқорига тортиниш ва шеърни ифодали ёд айтиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Йиғилганларни ижодкор ёшларнинг Абдулла Орипов шеърлари асосида қилган чиқишлари айниқса хушнуд этди. Жўшқин мушоира оромгоҳ директорининг таклифига кўра шоир Ҳамид Жалил билан учрашувга айланиб кетди.

Шоир ўз ижодидан намуналар ўқиб берди ҳамда болаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Истеъдодли хушовоз хонанда Бахтиёр Раҳмоновнинг Ватан, она тупроқ тўғрисидаги дилбар қўшиқлари учрашувга алоҳида файз бағишлади.

Кеча сўнгида "Камолот" жамғармаси туман бўлими раиси Г.Абдуллаев сўзга чиқиб, болаларга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилади. Ўтказилган барча мусобақалар ғолиблари "Камолот" жамғармаси туман бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Г.АБДУКАРИМОВ,
"Камолот" жамғармаси Бағдод туман бўлими мутахассиси**

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

Бухорода Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда Бухоро шаҳри ҳокимлиги меҳнат бўлими билан ҳамкорликда "Бўш ишчи жойи ва вакант ўринлар" ярмаркасини ўтказди.

Меҳнат ярмаркасида ўзига муносиб касб ахтариб юрган кўплаб йигит-қизлар иштирок этишди. Жумладан, 100 нафар йигит-қизга ҳуқуқий маслаҳат берилиб, рўйхатга олинди, 45 кишига эса касбини ўзгартириш мақсадида юридик кўрсатмалар берилди, 27 киши бевосита шу ернинг ўзида иш билан таъминланди.

Шунингдек, тадбирда 24 корхона ва 4 та ташкилот раҳбарлари қатнашди.

- Халқимизда хайрли ишнинг кечи йўқ, деган доно нақл бор, - дейди биз билан суҳбатда "Камолот" жамғармаси шаҳар бўлими раисининг муовини Собиржон Даминов, - зеро ёшларни бозор муносабатлари талабларига мос замонавий техника ва технологияларни ўргатиш, уларни касб эгаллашларига кўмаклашиш ҳамда фойдали меҳнатга жалб этиш ҳам бизнинг асосий вазифамиздир.

**НОЗИМА**

---

## Лойиҳалар муҳокамаси

**Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, Ватан равнақини таъминлайдиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Бу борадаги муҳим қадамлардан бири Ўзбекистонда илк бор Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳасининг яратилганидир. Республика Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтажак навбатдаги сессияси кун тартибига «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳаси ҳамда «Таълим тўғрисидаги Қонун» лойиҳаси киритилган. Шу кунларда мазкур лойиҳалар жойларда қизғин муҳокама этилмоқда.**

**4 август куни Юқори Чирчиқ тумани «Ийк ота» жамоа хўжалиги маданият саройида «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисидаги Қонун» лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари муассасалари раҳбарлари қатнашди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокими Э.Рўзиев бошқарди.**

**Йиғилишда сўзга чиққан Республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев, Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П.Қодиров ва бошқалар Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни тайёрлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида гапирдилар. Ушбу ҳужжатларни тайёрлашда мамлакатимизга хос жиҳатлар, миллий педагогикамиз анъаналари эътиборга олингани алоҳида таъкидланди. Дастур ва қонун лойҳаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.**




**Шу йил февраль ойида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисида» қарори чиққан эди. Президент Ислом Каримов имзо чеккан мазкур ҳужжатда журнал муассислари ва таҳририяти олдига халқимизни, айниқса келажагимиз ворислари - ёшлар дунёқарашини янада бойитиш, уларни умумбашарий қадриятлар, инсоният маънавий мероси дурдоналари, жаҳон адабиёти ва санъати намуналари билан таништириб бориш вазифаси қўйилганди.**

**Мамлакат зиёлилари, адабиёт ва санъат ихлосмандлари орзиқиб кутган кун келди: истиқлолимизнинг яна бир шарофати ўлароқ - «Жаҳон адабиёти» адабий-бадиий, ижтимоий публицистик журналининг илк сони ўқувчилар қўлига тегди.**

**Журнал мавзу жиҳатдан ранг-барангдир. Ундан асримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов ва таниқли қозоқ оқини Мухтор Шохоновнинг мулоқот тарзида ёзилган «Қояда қолган кўз ёшлар» китобидан боблар «Янги аср бўсағасидаги ўйлар» рукни остида эълон қилинган. Америка ёзувчиси Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари» романи, француз адиби Албер Камюнинг «Исён ва санъат» эссеси, япон профессори Нориюки Такаянинг «Ўзбекистон ҳақида ўйлаганларим», иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиевнинг «Ўзгалар эътирофи» мақолалари, Чўлпоннинг ҳозиргача номаълум бўлган шеърлари, Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» мухтасар тарихий асари журналхонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир.**

**Республика Байналмилал маданият марказида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий санъат ва дизайн институтининг етакчи рассоми Анатолий Лигай асарларининг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда бутун ҳаёти давомида инсон ва олам, турмуш ва онгнинг ўзаро алоқалари сирларини англаб етишга уринаётган рассомнинг ички дунёсини ифода этувчи етмишдан ортиқ асар намойиш қилинмоқда.**

**Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Чо Енг Ха рассомни ижодий ҳаётидаги бу шарафли воқеа билан табриклаб, Анатолий Лигай асарларининг бу кўргазмаси мустақилликнинг олти йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистонда миллий маданиятларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча шарт-шароит яратилганини яна бир бор тасдиқлайди, деди. У келгусида ўзбекистонлик рассомнинг асарлари билан Жанубий Кореядаги тасвирий санъат ихлосмандлари ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар, деб ишонч билдирди ва ўз юртида Ўзбекистонга, бу ерда яшаётган ватандошлари ижодига қизиқиш кучли эканини таъкидлади.**

**Республика Байналмилал маданият маркази директори Карим Расулов бу шахсий кўргазма корейсларнинг Ўзбекистонда яшай бошлаганининг олтмиш йиллигига бағишланган тадбирлар туркумидан биринчиси эканини қайд этиб, бундай кўргазмалар яхши анъанага айланажагини таъкидлади.**



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 5 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 69 сўм 90 тийин миқдорида белгилади.**

**"ТУРКИСТОН" ва ЎзА мухбирлари хабаридан**

